Г. Таубенинг “Олой маликаси” китобида ёзилишича (Козон, 1889 йил), киргизлар рахнамоси Олимбек додхох 1865 йили Чимкентда русларга карши бўлган жангда огир яраланиб шахид бўлгач, халк унинг эллик икки ёшли хотини Курбонжонни додхох килиб сайлади. Аммо маккор рус боскинчилари бу жасур, окила, матонатли аёлни курол кучи билан енгишга йўл тополмай, фитна-алдовга ўтишади. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман Курбонжоннинг икки саркарда ўгли Абдуллабек ва Ботирбекларнинг фаолиятини чеклайдиган алдов шартномага имзо чекишга мажбурлайди. Бошка ўгли Маматбек ва икки набирасини Сибирга сургун килишади. Кенжа ўгил Камчибекни эса Ўшда дорга осадилар.

Додхох ўглининг дорга осилаётганини ўз кўзи билан кўриб турган. Сокчиларсиз катл жойига келиб, ўглининг жазога тортилишини мик этмай кузатиб турган ва ялиниб келиш хакидаги русларнинг умидини пучга чикарган. Агар ўшанда Курбонжон додхох битта ишора килиб кўйганида Олойнинг жамики киргизлари отланиб, унинг ўглини куткариб колишарди. Аммо доно аёл халкнинг минглаб ўглонлари курбон бўлганидан кўра ўз ўглининг катлига гувох бўлиб туришни афзал кўрди.